



БИР НЕЧА ҲУКМ ЮЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ БИР НЕЧА ЖИНОЯТ ЮЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШДАН ФАРҚИ

Рузиев Маъруфжон Муртазаевич

*Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Булунгур туман
судининг тергов судьяси*

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгари ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиб, қатъий жазо тайинлайди. Лекин суд амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, судда кўрилаётган жиноят ишларининг кўпчилигида айбдорнинг қилмиши Жиноят Кодексининг бир неча моддаси билан квалификация қилинган бўлади. Бундай ҳолда жазо тайинлаш масаласи қандай ҳал қилиниши керак, деган ҳақли савол туғилади. Шунинг учун олиб, ЖКнинг 59-моддасида бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш қоидалари ишлаб чиқилган. Шундай экан, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашдан қандай белгиларига кўра фарқ қилади. Бу ҳар иккала ҳолатда ҳам бир неча жиноят содир қилинади. Аммо жазо тайинлашда ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасида кўрсатилган бўлиб, шахс Жиноят Кодекси махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 54-моддаси қоидаларига мувофиқ ҳар қайси жиноят учун жазо тайинланиб, сўнгра умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиб йўли билан жиноятлар жами билан жазо тайинлайди. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг назарий асослари ЖКнинг 33-моддасида, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби эса, ЖКнинг 59-моддасида берилган. Бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашнинг назарий асослари ЖКнинг 34-моддасида, бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш тартиби эса, ЖКнинг 60-моддасида берилган. Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашнинг масаласи ушбу ишимизнинг тадқиқот объекти бўлмай фақат уларнинг ўхшаш ва фарқлари масаласига тўхталиб ўтмоқчимиз ҳолос.

Жиноят кодексининг 60-моддасида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тартиби белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида судларга берилган тушунтиришларда ҳам ўз ифодасини топган.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Маълумки, ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Мазкур нормага изоҳ берар экан, Ўзбекистон юридик энциклопедияси бунда янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо тўлиқ ҳисобга олиниши лозимлигини, аввал тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшишда, жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашда ишлатиладиган қисман қўшиш усулини қўллаш мумкинлигини таъкидлайди.

Мамлакатимиздаги айрим ҳуқуқшунос олимларимиз бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш ҳақида сўз кетганда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг жиноят қонунчилигида мустаҳкамланган қондаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида назарда тутилган рецидив жиноят тушунчасига мувофиқ келишини таъкидлаб, бунда ЖКнинг 34-моддасида белгиланган, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб айтилишини, бунда ЖКнинг 34-моддасидаги рецидив жиноят билан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган тушунчалар солиштириб таҳлил қилинганда, ЖКнинг 34-моддасидаги рецидив жиноят тушунчаси фақат қасддан қилинган жиноят учун судланганидан кейин яна қасддан жиноят содир этганликни назарда тутишини, ЖКнинг 60-моддасидаги бир неча ҳукм тушунчаси эса маҳкумга нисбатан ҳар қандай жинояти учун (қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганлигидан қатъий назар) жазо тайинлашни назарда тутишидан келиб чиққан ҳолда рецидив жиноят учун жазо тайинлаш тушунчасига нисбатан бир неча ҳукм тушунчаси анча кенгроқ ҳисоблансада, лекин шунга қарамасдан, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш тушунчаси ҳам бир неча жиноят содир қилиш доирасига киришини таъкидлаб ўтади.

Шубҳасиз, ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ бир неча ҳукм бўйича жиноятлар такрорланган ҳолларда жазо тайинлаш анъанавий тажрибага зид эмас. Ўз навбатида, илк бор содир этилган жиноятга жазо тайинлашда ЖКнинг 54-моддасида назарда тутилган умумий асослари татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасида шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш назарда тутилган. Энди савол туғилади: ЖКнинг 70 ва 71-моддалари асосида шахс жазодан озод қилинганidan кейин қасддан янги жиноят содир қилса, рецидив жиноят содир қилинган деб ҳисобланадими?

Бизнинг фикримизча, бундай ҳолда ҳам шахс судланган ҳисобланади. Судланган муддати эса шахснинг қандай турдаги жазога ҳукм қилингани билан боғлиқ. Агар шахс қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, жазодан озод қилинган бўлса, икки йилгача жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб жазодан озод қилинган бўлса, бир йилгача судланган ҳисобланади. Озодликдан маҳрум этишга





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ҳукм қилиниб, жазодан озод қилинган бўлса, тўрт йилгача (озодликдан маҳрум қилишнинг муддати олти ойдан беш йилгача бўлса, судланганлик муддати тўрт йил этиб белгиланган – ЖКнинг 78-моддаси) судланган ҳисобланади. Агар шахс ана шу муддатлар ичида қасддан янги жиноят содир этса, рецидив жиноят содир этилган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70 ва 71-моддаларида агар жазодан озод қилишга асослар мавжуд бўлса, суд фақат жазодан озод қилади.

Бундан ташқари, ЖКнинг 76-моддасига кўра (амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш) “Агар амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан муддатидан илгари озод қилиш ёхуд жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган шахс жазонинг ўталмай қолган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинланади.

Жиноят ҳуқуқида бир неча жиноят учун жазо тайинлаш бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш институтидан фарқ қилиб, ушбу институтлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун дастлаб уларнинг ўхшаш жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.”

Назаримизда, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш билан бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашнинг фарқли жиҳатларига тўхталишдан олдин ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлишини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилганлиги, хусусан, ЖКнинг 59-моддасига кўра, бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлашга шахснинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши, ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда эса, ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этишидир.

Иккинчидан, суд томонидан бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда қўшиш ва қоплаш усулидан фойдаланилади. Жумладан, амалдаги ЖКнинг 59-моддаси биринчи қисмига кўра, қайд этилишича, тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ва қоплаш йўли билан бир неча жиноят юзасидан жазо тайинланса, ЖКнинг 60-моддасида, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда суд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ҳамда қоплаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Учинчидан, бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш суд томонидан оғирроқ жазо тайинланишига сабаб бўлади²³.

Тўртинчидан, жиноят қонунчилигида бир неча жиноят ёки бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш чоғида муайян чегаранинг назарда тутилганлиги. Ўз навбатида ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин

²³ Практика назначения судами наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров // Журнал “Российское правосудие”-№9 (17). 2007. –С. 57-77





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Шахс бир неча жиноят ёки бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг энг кўп бўлган миқдори белгиланиши лозим. Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

Бешинчидан, ЖКнинг 59 ва 60-моддаларида айб шаклининг иккита тури ҳам мавжудлигидир.

Олтинчидан, ЖКнинг 59-моддаси еттинчи қисмида жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкинлиги қайд этилган бўлса, 60-модданинг олтинчи қисмида ҳам илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланиши кўрсатилган.

Ўз навбатида, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилигида бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлаш бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашдан бир қатор жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Хусусан бундай фарқли жиҳатлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда содир этилган жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасининг аҳамиятга эгаллиги. Жумладан, ЖКнинг 59-моддаси иккинчи қисмида жиноятлар мажмуини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, жазо тайинлашнинг алоҳида тури назарда тутилган бўлса, бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби назарда тутилмаган.

2. Жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлардаги фарқ. Чунончи, бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашда содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб жазоларни қўшиш усуллари белгиланган. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда эса содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқилмайди.

3. Бир неча жиноят ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда шахснинг судланган ва судланмаганлигининг алоҳида аҳамиятга эгаллиги. Хусусан, ЖКнинг 59-моддасида бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашда икки ёки ундан ортиқ





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

жиноятни содир этган шахснинг улардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши белги бўлса, ЖКнинг 60-моддасида маҳкумнинг ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этилганлиги учун жазо тайинлаш назарда тутилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, гарчи ЖКнинг 77-моддасида жазо тайинланган ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган ҳисобланиши белгиланган бўлса ҳам, фикримизча, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш шарти сифатида шахснинг илгари судланганлиги назарда тутилган. Зеро, ЖКнинг 59-моддасида судланмаган бўлиши ҳақидаги талабнинг назарда тутилганлиги бевосита бир неча жиноятни бир неча ҳукмдан ажратиб турувчи белгидир.


4. Бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлаш натижасида бир неча жиноят содир қилган шахснинг ҳуқуқий мақоми ўзгармайди, бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашда эса айбнинг шаклидан келиб чиқиб бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланаётган шахс мақоми ўзгариши мумкин. Хусусан, ЖКнинг 60-моддасида бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш институтига маҳкумнинг ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этиши сифатида таъриф берилган бўлса, ЖКнинг 34-моддасида шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилиши мустаҳкамланган.

Гувоҳ бўлганимиздек, қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинган маҳкум жазони тўла ўтамасдан туриб, қасддан бошқа жиноят содир қилса, тегишинча ушбу маҳкумнинг мақоми рецидивистга ўзгаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, рецидив жиноят бир неча жиноят турлари ичида энг хавфлиси бўлиб, у ўз навбатида эса қилмишни рецидив жиноят деб топишда айнан айбнинг шакли муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорида фақат эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бир неча жиноят учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги ҳам жиноят рецидивини ташкил этмаслиги судларга алоҳида тушунтириш сифатида келтирилган²⁴.

Демак, юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, жиноят ҳуқуқи ва қонунчилиги бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлаш билан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг ўзига хос ўхшаш жиҳатларга эга бўлиш билан бирга бир-биридан фарқли хусусиятларга ҳам эга.

Олимлар бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашнинг бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашдан фарқини ажратишда асосан жиноят қонунчилигида назарда тутилган нормаларнинг мазмунидан келиб чиқадилар. Жумладан, айрим олимлар жиноят қонунчилигидаги бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш билан бир

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.08.2008 йилги қарори // <http://www.lex.uz>





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашга оид нормаларни таҳлил қилиб, бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашдан фарқли равишда бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлашда илгариги ҳукм бўйича жазонинг ўталмаган қисми янги содир этилган жиноятнинг жазосига тўла ёки қисман қўшилса, бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлашда ҳар бир жиноят учун тайинланган жазолар тўла ёки қисман қўшилишини фарқли жиҳат сифатида кўрсатган²⁵.

М.Усмоналиев ҳам Жиноят кодексидаги бир неча ҳукм бўйича жазо тайинлаш билан бир неча жиноят юзасидан жазо тайинлаш институти ўртасидаги фарқли жиҳатларни таҳлил қилар экан, Жиноят кодексидаги бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қондасида назарда тутилган агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиши ҳақидаги норма ЖКнинг 34-моддасида назарда тутилган жиноят тушунчасига мувофиқ келишини, аммо ЖКнинг 34-моддасидаги рецидив жиноят билан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган тушунчалар қиёсий таҳлил қилинса, ЖКнинг 34-моддадаги рецидив жиноят тушунчаси фақат қасддан қилинган жиноят учун судланганидан кейин яна қасддан жиноят содир этганликни назарда тутишини, ЖКнинг 60-моддасидаги бир неча ҳукмлар тушунчаси эса маҳкумга нисбатан ҳар қандай жинояти учун (қасддан ёки эҳтиётсизликдан қилинганидан қатъий назар) жазо тайинлашни назарда тутганлигидан келиб чиқиб, рецидив жиноят учун жазо тайинлаш тушунчасига нисбатан бир неча ҳукмлар тушунчаси анча кенг ҳисобланиши, лекин шунга қарамадан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш тушунчаси ҳам бир қанча жиноятлар содир қилиш доирасига киришини қайд этган²⁶.

Суд амалиётида жазо тайинлашда айнан бир неча жиноят юзасидан жазо тайинланиши керак бўлган вақтда бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиб хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ҳолатлар ҳам учрайди. Бунга қуйидаги жиноят ишини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.


Б.Х. содир этган жинояти учун 2014 йил 24 сентябрдаги суд ҳукми билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиниб, илгари 2013 йил 1 сентябрь ва 2014 йил 21 август куни содир этган жиноятлари учун унга ЖКнинг 59-моддасига мувофиқ 7 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Суд Б.Х.га нисбатан ушбу жазоларни, ЖКнинг 59, 60 ва 61-моддалари тартибида қисман қўшиб, 7 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган²⁷.

Биринчи инстанция суди Б.Х.га нисбатан жазо тайинлашда унга суд 2014 йил 24 сентябрдаги ҳукми билан тайинланган 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари

²⁵ Практика назначения судами наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров // Журнал "Российское правосудие". №9. 2007. (17). –С.57-77.

²⁶ Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2006. 200-201-б.

²⁷ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил архивидан.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

жазосини ЖКнинг 59, 60-моддалар юзасидан ЖКнинг 61-моддаси тартибида қўшган ҳолда жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйган. Жиноят иши материалларидан кўриниб турибдики, Б.Х.га нисбатан тайинланган жазоларни ЖКнинг 60-моддаси тартибида қўшиб бўлмайди. Чунки, ЖКнинг 60-моддаси 1-қисмида “Агарда маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”, - деб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмида эса “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин, маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталмаган қисми қўшилади”, - деб кўрсатилган. Шундай экан, Б.Х. 2014 йил 24 сентябрдаги ҳукмга асосан 2013 йил 1 сентябрь куни ва 2014 йил 21 август куни содир қилган жиноятлари учун судланган. Шу сабабли, унга тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан қўшилиши лозим эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Практика назначения судами наказания по совокупности преступлений и совокупности приговоров // Журнал “Российское правосудие”-№9 (17). 2007. –С. 57-77
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 15.08.2008 йилги қарори // <http://www.lex.uz>
3. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳукуки муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2006. 200-201-б.
4. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2014 йил архивидан.
5. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳукуки курси. 2-том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълим. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLM-ZIYO, 2011. -137-б.

